


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатта олинди  
№ 1004-58  
2016 йил

“ЮРИСПРУДЕНЦИЯ”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг  
ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА УРГА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХЪБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва  
урта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2016 йил*

*26.09 даги 2-сонли*

*байённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули:  
с.ф.д., профессор И.Эргашев, ю.ф.н., доцент В.Топиловцев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули:  
п.ф.д., профессор Н.Муслимов, п.ф.н. М.Мирзолиева, п.ф.н. доцент  
М.Усманбаева, А.Исенова.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини  
қўлланш” модули: ф.м.ф.н. доцент Х.Холмедов, ф.м.ф.н. доцент  
Д.Иргашева, катта ўқитувчи В.Хамидов.

“Амалий ҳорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия  
Кенгашнинг етакчи мутахассислари, катта ўқитувчи У.Гинсова.

“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули:  
с.ф.д., профессор С.Жўраев, т.ф.д., профессор С.Абдурахимов,  
п.ф.н. Х.Алимов.

Махсус фанлар бўйича:

ТДЮУ кафедрa мудирлари ю.ф.н., доцент В.Эргашев,  
ю.ф.н. З.Борисова, ю.ф.н., доцент Ж.Бабаев, ю.ф.н., доцент  
Х.Ализов, ю.ф.д., доценти Г.Тўлаганова, ю.ф.д. О.Махкаммов, ф.ф.н.,  
доцент Г.Гулямова, ф.м.ф.н., доцент А.Каримов, катта ўқитувчи  
М.Юнусова.

Тасдиқчилар:

Ҳорижий эксперт: Carlos Alberto Martinez Ferrero (Испания),  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсининг ёрдамчиси,  
Г-дарражани яқини масъульхатчеви, ю.ф.д. А.Мирзаев.

Ўқув дастури Тошкент давлат юридик университетини Кенгашнинг  
қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (201\_\_ йил \_\_\_\_\_ - сонли  
байённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор  
йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий  
талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнининг  
мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог  
кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад  
қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва  
конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,  
таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш,  
амалий ҳорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус  
фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва  
ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги  
ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал  
Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш  
усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини  
шақллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилмаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича  
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати  
ва уларнинг тайёрлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув  
режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим  
муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва  
инновация технологиялари, илгор ҳорижий тажрибалардан самарали  
фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига  
кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини  
ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам  
юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини  
ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек,  
педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ  
компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос  
хусусиятлари ҳамда долзарб масалалардан келиб чиққан ҳолда дастурда  
тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака  
ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши  
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги  
модулар мазмунини ўз ичига камраб олади:

**I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

I.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият  
ривожига ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари.

## III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Замонавий ҳуқуқий ахборот тизимлари.

## IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Юриспруденцияда тизимли таҳлил.

## VI. Махсус фанлар

- 6.1. Давлат-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт.
- 6.2. Фуқаролик-ҳуқуқий ва тadbиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт.
- 6.3. Жиний-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт.

## VII. Педагогик амалиёт

## VIII. Малакавий аттестация

### Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирadi:

“Юриспруденция” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Юриспруденция” йўналишида ўқув жараёнини фан ва амалиёт билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетентцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### Тингловчи:

- ҳуқуқий фанлар назарияси, қонуниятлари ва асосий тамойилларини;
- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тadbиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва кўшимчаларни;
- муайян ҳуқуқ соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, уларни экспертиза қилиш, юридик конфликтларни хал қилишнинг ҳуқуқий усул ва воситаларини;
- ҳуқуқий фанлар бўйича инновацияларни, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини;
- ҳуқуқ соҳасига оид интернет тармоғида мавжуд илмий янгилликларни;
- ўқув жараёнида назарий тайёргарликни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;
- адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва адвокатаура амалиёти тўғрисидаги маълумотларни;
- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни;

- ёзма нутқнинг юрист касбий фаолиятидаги ўрни, имловий меъёрлар, расмий услубда юридик матн тузиш, юридик матннинг аниқлиги ва қопиллашганлиги, юридик матннинг манتيкий-мазмуний бўлинишини;

- юридик таълим ва юридик амалиётнинг тизимли тусга эга бўлган масалаларини ечишда тизимли тахлил усулларини;

- ҳуқуқий ахборот тизимларини қўллаш метод ва воситаларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва тахлил қилиш;

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг истикболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўқув жараёнида қўллаш олиш;

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларни ўқитишда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол талдиқ этиш;

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва тахлил қилиш;

- ҳуқуқий ҳужжатлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, процессуал ҳужжатлар, юридик ҳулосалар, хизмат хатлари ва ҳоказо) тайёрлай олиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишда таълим беришнинг модулли тизимидан кенгрок фойланиш;

- ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва тахлил қилиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишда амалиёт материалларидан кенгрок фойдаланган ҳолда тахлилий фикрлаш;

- республика миқдосидаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;

- ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналиши бўйича ҳуқуқий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тахлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- юридик матнни манتيкий-мазмуний ёритишда тил бирликларининг услубий вазифасини билиш, тиниш белгиларини тўғри қўллаш, юридик ёзма

нутқнинг лугавий ва терминологик меъёрларини ёзма нутқда тўғри қўллаш олиш;

- ҳуқуқий соҳага оид масалаларни тизимли тахлил қилиш;

- ҳуқуқий ахборот тизимларини касбий фаолиятида қўллаш олиш **қўшиқчаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўқув адабиётларини тахлил қила олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллаш олиш;

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва тақомиллаштириш бўйича тақлифлар бериш;

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли амалиёт материалларини ўрганиш, тахлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли ҳулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини процессуал ҳуқуқ нуктаи назаридан тахлил қила олиш;

- давлат-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи), халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий тахлил қила олиш;

- юридик нутқнинг ёзма шаклида эркин матн тузиш, ёзма назорат ишларини талаб даражасида ишлаб чиқиш, фикрни ёзма баён этишда илмий манбалардан тўғри фойдалана олиш, юридик лексикани ўзига хос хусусиятлари ва уларни ёзма нутқда тўғри қўллаш;

- ҳуқуқий соҳага оид аналитик ёзувлар, тахлилий маълумотномалар тайёрлаш;

- касбий вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ахборотларни излаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш воситаларидан фойдалана олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро ҳуқуқ ва юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёрларлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнини назарий тайёрларлиқнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда тахлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-хукук тизимини модернизация қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг хукукий асосларини ривожлантиришнинг долзарб хукукий муаммолари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

- хукуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, хукукий, сиёсий маданиятини ва хукукий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- ёзма нутқ асосида қонунчилик техникасини шакллантириш, ёзма нутқдаги фикрий боғланиш, изчиллик, мантикийликка амал қилиш;

- талабаларнинг замонавий хукукий ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш;

- ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда талабаларда тизимли мушоҳада юритиш, вазиятни баҳолай билиш, оптимал қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, уларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини шакллантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкласи хафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“Юриспруденция” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

### I. Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари

**I.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгилалиши жамият ривожланишининг муҳим омил сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – энгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” “Она юртимиз бахти икболи ва буюк келахага йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

### I.2. Таълим-тарбия жараёларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-хукукий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуқсиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуқсиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги 20-сон Қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўқатиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа норматив ҳужжатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий тажриба.

## II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойihalаштириш, ташкил этиш.

Шахсага йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асослари таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойihalаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкни яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот усулларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик – педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-

шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шартлари педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### 2.2. Юриспруденцияда ёзма нутқ қўникмалари.

Ёзма юридик нутқ қўникмалари. Орфографиянинг асосий қоидалари. Юридик тилда пунктуацион меъёрлар. Юридик магн структураси. Аргументация ва унинг муҳим элементлари. Юридик ёзма нутқда термин қўллаш меъёрлари. Юридик ёзма нутқда норма тушунчаси. Ёзма нутқ - тил нормаларига онгли ишлов беришни бошқарувчи восита. Юридик тил услублари. Кодификация – ёзма ишнинг аниқлиги.

## III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

### 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.

Мультимедиянинг компонентлари. Мультимедиянинг бажарилиш шартлари. Мультимедиянинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сакловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедиянинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни саклаш усули. Аудио ва видео ни тахрирлаш. Мультимедиа электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиа маърузалар категорилари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар тахлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очик курслар (Sourcea, edX, Khan akademiya, MIT Open Course Ware).

### 3.2. Замонавий ҳуқуқий ахборот тизимлари.

Ахборот тизимлари ва уларнинг имкониятлари. Ҳуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва тузилиши. Ҳуқуқий ахборот алмашувини автоматлаштирувчи тизимлар. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Хукукий ахборот тизимларидан педагогик фаолиятда фойдаланиш. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.).

Хукукий соҳа ахборот кидирув тизимларини (Yulgida, Norma, LexUz) ўқув жараёнига тадбиқ қилиш. Хукукий ахборот алмашувини автоматлаштирувчи тизими Getmes имкониятлари.

Интернет тармоғида lex.uz, mu.gov.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамoa бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари.

#### IV. Амалий хорижий тил

##### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиетли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзуллари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид магнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

##### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли

тахлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиетларнинг тизимли тахлилни амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

##### 5.2. Юриспруденцияда тизимли тахлил.

Юриспруденцияда тизимли тахлилнинг ўрни ва аҳамияти. Тизимли тахлилда қўлланилувчи илмий ва эмпирик методлар. Юридик соҳадаги тизимларни ўрганишда ёндашувлар. Юридик таълим сифатига таъсир этувчи омилларнинг тизимли тахлили. Олий таълим муассасаси фаолиятининг тизимли тахлили. Муаммоли юридик вазиетларнинг тизимли тахлили.

#### VI. Махсус фанлар

##### 6.1. Давлат-хукукий ва халқаро-хукукий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт.

Давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятлар бўлиниши принципини таъминлаш. Давлат ҳокимиятини демократлаштириш шароитида парламент назоратини кучайтириш. Демократик ислохотлар шароитида жамоатчилик назоратини тақомиллаштириш. Давлат бошқаруви муносабатларини модернизациялаш шароитида маъмурий процедураларни тартибга солиш. Демократик ислохотлар шароитида давлат хизматини ислох қилиш. Конституциявий хукукни тақомиллаштириш масалалари. Ҳозирги замон хукукининг ривожланиш тенденциялари.

Халқаро хукук нормаларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро хукук ва юрисдикция масалалари. Халқаро иқтисодий хукук. Халқаро хукукий жавобгарлик. Инсон хукук ва эркинликларини химоя қилишнинг халқаро-хукукий масалалари. Европа иттифоқи хукуки.

